14-fevral – Zahiriddin Muhammad Bobur tug'ilgan kun

2025-yil
13-fevral
payshanba
№20
(5084)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# 2025 ЙИЛ УЧУН «ЯШИЛ РЕЖАЛАР»

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ «АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДА БИР ҚАТОР ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.**

**Ҳужжатга кўра, 2025 йилда маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш борасида қатор ишлар амалга оширилади.**

Аҳоли учун барпо этилаётган пиёдалар ва алоҳида велосипед йўлаклари бўйида дарахтлар ва ўсимликларни экиш орқали «Сояли сайр кўчалари» тармоғи яратилади, соҳил ва дарё бўйларида **80 та** инфратузилма объекти ва **110** километрдан ортиқ соғломлаштириш йўлаклари қурилади.

Ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллалардаги дарахтларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали суғориш тизимини жорий этиш натижасида яшиллик даражаси оширилади.

Ўрмон билан қопланган майдонлар **4,1 миллион** гектарга етказилади ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар 14,5 фоизгача кенгайтирилади ҳамда уларнинг экотуризм, кўчатчилик ва дориворчилик йўналишларидаги фойдаланилмаётган захиралари аниқланиб, уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади ва аҳолининг даромадлари оширилади.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ва «Менинг боғим» лойиҳаси доирасида **200 миллион туп** дарахт ҳамда буталар экилади, «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»да қуёш панеллари ёрдамида қувватланувчи ёритгичлардан фойдаланилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танланган ҳудудларида шўр ва сувсизликка чидамли ўсимликлар (галофит) боғлари ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида давлат «ин-витро» лабораториялари ташкил этилади, шунингдек, хусусий «ин-витро» лабораторияларини барпо этишга тадбиркорлик субъектларига кредитларни ажратиш учун халқаро молия институтларидан камида 30 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб этилади.

Орол денгизи тубида **100** минг гектар «яшил майдон» барпо этилади ва Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар 2,1 миллион гектарга етказилади.

Жамоатчилик, экофаоллар ва бизнес вакилларининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш акселерация тизими жорий этилади.



**Заҳириддин Муҳаммад Бобур**

## *Топмадим*

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,*
*Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

*Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,*
*Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.*

*Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,*
*Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.*

*Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,*
*Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.*

*Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,*
*Нечаки бориб эшигига бор топмадим.*

*Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен*
*Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.*



# ЗЎРЛАРНИНГ ЗЎРИ ЖАВОҲИР

**Шу кунларда Германиянинг Вайссенхаус шаҳрида эркин услубдаги шахмат (Freestyle Chess Grand Slam Tour) бўйича халқаро йирик мусобақа бўлиб ўтмоқда.**

7 февраль куни бошланган ва 17 февралгача давом этадиган мазкур нуфузли турнирда ҳамюртимиз Жавоҳир Синдоров чорак финалда 2022 йилги «World Fischer Random Chess» бўйича жаҳон чемпиони, дунёнинг 3-рақамли шахматчиси америкалик Хикару Накамурани мағлуб этди.

Энди ўзбек ўғлони ярим финалда америкалик яна бир гроссмейстер Фабиано Карунага қарши дона суради.

Дунёнинг 10 та машҳур шахматчиси баҳслашаётган ушбу мусобақада ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов ҳам чорак финалга чиққан эди. Афсуски, у бу босқичда дунёнинг биринчи рақамли шахматчиси Магнус Карлсенга ютқазиб қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жавоҳир Синдоров мазкур мусобақанинг бешинчи турида Магнус Карлсенни қора доналарда ўйнаб, енгган эди.

Хуллас, Жавоҳир бу турнирда турли йилларда, турли ёш ва йўналишлар бўйича жаҳон чемпиони бўлган Винсент Краймер, Левон Аронян, Владимир Федосеев каби машҳур шахматчиларни бирин-кетин мағлуб этди.

Бўш келма, Жавоҳир!

Ўзбекнинг улуғ шоирларидан бири Эркин Воҳидов таъбирича одамлар икки тоифага бўлинади: «шахматни биладиганлар ва билмайдиганларга».

Бизким, яъни шахматни биладиган ва билмайдиганлар ҳам, Жавоҳирнинг мусобақада бош совринни қўлга киритишига тилакдошмиз.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
*«ISHONCH»*

# 63 НАФАР ХОДИМГА 122 000 000 сўмдан зиёд тўловлар ундириб берилди



Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабида ишлаётган 63 нафар ходимнинг меҳнат шартномаси штатлар қисқариши муносабати билан бекор қилинди.

Мактаб директори томонидан қабул қилинган тегишли буйруқларда ходимларнинг иш стажига қараб ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш тўғрисидаги қонун талаблари киритилмаган ва нафақа тўловлари бир ойлик ўртача иш ҳақи асосида тўланиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, ходимлар 2024 йил 11 декабрдан 2025 йил 11 январгача ишсиз қолгани муносабати билан меҳнат шартномаси алоҳида асослар бўйича бекор қилинганда, ишга жойлаштириш даврида ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолиш кафолатлари иш берувчи томонидан тўланмаган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси томонидан мактаб директорига 63 нафар ходим ишсиз қолгани ва ишга жойлаштириш даврида ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолиш кафолатлари, яъни иккинчи ойлик учун 122 206 402 сўмлик иш ҳақи тўловлари тўлаб бериш бўйича ёзма кўрсатма киритилди. Касаба уюшма аралашуви билан бу маблағлар 2025 йил 3 февралда ундириб берилди.

**Рустам НАСИМОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

# 12-11

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



Отани чунки қибла дебтурлар,
Қибла янглиғ анга назар қилғил.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

2025-YIL 13-FEVRAL
PAYSHANBA
№ 20 (5084)

# ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ – касаба уюшмаларининг устувор вазифаси

**Мана, янги йилнинг ҳам бир ойи ортда қолди. Ниҳоясига етган йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, баъзи мақсадларимизга эришдик, баъзиларига улгура олмадик. Асосийси, ўтган йили барча соҳа ходимлари қатори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда тарих зарварақларига муҳрланадиган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Хатлон вилояти кенгаши ўртасида имзоланган меморандум-келишув асосида кейинги икки йилда ҳамкорликдаги алоқалар янада мустаҳкамланмоқда.

Бугун аҳолининг кам таъминланган қисми, айниқса, аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Албатта, касаба уюшмалари кўп йиллардан буён бу йўналишда ҳам муносиб хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, «Аёллар дафтари»нинг тизимли ташкил этилиши ва аёлларимизга рўзғорнинг бутлиги, уйдаги файзу барака, фарзандлари тарбиясига шарт-шароит яратилишида кўрсатилаётган ёрдамлар эътиборга сазовордир.

**ВИЛОЯТДА ЎТГАН ЙИЛ МОБАЙНИДА «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИНГ БЕШИНЧИ БОСҚИЧИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН 64 МИНГ НАФАР ХОТИН-ҚИЗГА 51,5 МЛРД. СЎМЛИК АМАЛИЙ ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛДИ. УЛАРНИНГ 1649 НАФАРИГА 14,9 МЛРД. СЎМЛИК ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР БЕРИЛДИ, 19893 НАФАРИГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ. ИШ БИЛАН 41537, УЙ-ЖОЙ БИЛАН 56 НАФАРИ ТАЪМИНЛАНДИ. 93 ТА ОИЛАГА ИЖАРА КОМПЕНСАЦИЯСИ ТЎЛАНДИ, 1658 НАФАР АЁЛГА ВА УЛАРНИНГ 1435 НАФАР ФАРЗАНДИГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ, 980 НАФАР АЁЛГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, 40 ТА КАМБАҒАЛ ОИЛАГА ТИКУВ МАШИНАСИ ОЛИБ БЕРИЛИБ, УЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШЛАРИ ТАЪМИНЛАНДИ.**

2024 йилда касаба уюшма аъзолари сафини ва ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқ касаба уюшма органлари саъй-ҳаракатлари билан аъзолар сони 62737 нафарга кўпайди. Натижада, бугунги кунда кенгашимиз 10 та тармоқ касаба уюшмаси, 2709 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти орқали 444458 нафар аъзони бирлаштирган. Амалдаги 8787 та жамоа шартномаси орқали ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 5 млн. 464 минг сўм маблағ сарфланмоқда.

Ҳар томонлама баркамол ёшлар келажакнинг муносиб давомчиларидир. Шунинг учун Кенгашда «2024 йил давомида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури» қабул қилиниб, унинг доирасида ёшлар иштирокида 120 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, 20 дан ортиқ спорт мусобақалари ва «Заковат» интеллектуал ўйинлари, 8 марта телевидениеда «Интеллектуал шоу» кўрсатуви, 1 та фан олимпиадаси, 7 та китобхонлик викторинаси ва турли йўналишларда акциялар, 15 маротаба «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви, республиканинг диққатга сазовор жойларига 42 марта саёҳат ва бошқа кўпгина тадбирлар уюштирилиб, уларда жами 15 мингдан ортиқ йигит-қизнинг иштироки таъминланди. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган «Жасорат мактаби» лойиҳаси доирасида 400 нафар ёшга 5 турдаги гигиена воситалари ҳамда эсдалик совғалар берилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Термиз давлат университетининг 2-босқич талабаси Севинч Чориевага «Касаба уюшмалари стипендияси» жорий этилди.

«Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 5684 нафар фуқаро ва 2371 та оилага 3 млрд. 804 млн. сўмлик ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, ўқув йили бошида 1068 та тармоқ корхоналари томонидан 2374 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига 270,6 млн. сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар олиб берилди. 2301 та кам таъминланган ёш оила вакилларига қарийб 1 млрд. 59 млн. сўмлик моддий кўмак кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 90 нафар талабанинг ҳар бирига 6,8 млн. сўмдан тўлов-контракт пуллари ўтказиб берилди.

**КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ НАЗОРАТИДАГИ ИШЛАРДАН БИРИ ИШ ҲАҚИДАН МУДДАТИ ЎТГАН ҚАРЗДОРЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИ ТИЗИМЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДИР. КАСАБА УЮШМАЛАРИ АРАЛАШУВИ ҲАМДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА «SURXON IPAGI» ВА «INTER PRO» МЧЖЛАРДАГИ ТЎЛАНМАЙ КЕЛИНГАН 558,9 МЛН. СЎМ ИШ ҲАҚИДАН МУДДАТИ ЎТГАН ҚАРЗДОРЛИК УНДИРИБ БЕРИЛДИ. ЎТГАН ЙИЛ МОБАЙНИДА 2458 НАФАР ФУҚАРО ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛГАНИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН МОНИТОРИНГ ҚИЛИНДИ.**

Касаба уюшмалари томонидан шу давр мобайнида кичик бизнес субъектларида иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи меъёрларига риоя этилиши устидан жами 550 та корхона ва ташкилотда жамоатчилик мониторинглари амалга оширилди ҳамда 2 нафар иш берувчига хат билан мурожаат қилиниб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Меҳнат қилаётган ҳар бир соҳа вакилларини эъзозлаш касаба уюшмаларининг доимий эътиборида. Мамлакатимизда нишонланадиган турли байрамлар муносабати билан касаба уюшма маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, манзилли ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан касаба уюшма фахрийси Бўри Алламуродов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Қувондиқ Мадартов ва ҳамкасбимиз Мусурмонқул Оноров хотираларига бағишланган турли спорт мусобақалари ўтказилди.

Касаба уюшмалари тизимида ички туризмни ривожлантиришга қаратилган **«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!»** дастури доирасида ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларидан 18602 нафари учун тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил этилди.

Касаба уюшмалари олдидаги яна бир муҳим вазифалардан бири меҳнаткашларнинг фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштиришдир. Ўтган йил ёз мавсумида жами 20018 нафар, шундан 7578 нафар боланинг 9 та стационар оромгоҳларда кўнгилдагидек дам олиши учун етарли шароитлар яратилди.

Кексаларни эъзозлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиб, сарҳисоб даврида 1 нафар ички ишлар ходимига, 1 нафар меҳнат фахрийсига соғлиғини мустаҳкамлаш учун санаторийларга бепул йўлланма ажратилди. Шунингдек, 14 нафар аёл «Умид гулшани» санаторийсида соғломлаштирилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож фаол ёшлардан 75 нафарининг ота-оналарига республика ва вилоят ҳудудидаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Маълумки, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши касаба уюшма фаолиятининг муҳим қаноти ҳисобланади. Ўтган йили «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимидаги 166-сонли Йўл машина бекати кранчиси вазифасида ишлаб келган Ҳусан Ўрозов бахтсиз ҳодисага учраб, жароҳатланган ва унга ойма-ой тўланиши лозим бўлган жами 52 млн. сўм товон пули иш берувчи томонидан тўланмай келинган. Касаба уюшма аралашувидан кейин ушбу маблағ жабрланувчига ундириб берилди.

Бундан ташқари, бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарар тўловларини ундириш тўғрисида фуқаролардан тушган 27 та ёзма мурожаат юзасидан иш берувчиларга 22 та тақдимнома киритилиб, 145 млн. сўм қарздорлик ундирилди. Ходимларнинг иш вақтида жароҳатланиши, касб касаллигига чалиниши ёки саломатликнинг бошқача шикастланиши туфайли етказилган зарар тўловларини ундириб бериш бўйича 3 нафар ходимнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларига даъво-аризалар киритилиб, 235 млн. сўм ундирилди.

**ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАШГА ДОИМО КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ БОРАДАГИ РАҚАМЛАРГА ТЎХТАЛАДИГАН БЎЛСАК, ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИГА ЎТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА 441 ТА МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИШГА ТИКЛАШ, ОЙЛИК ИШ ҲАҚЛАРИНИ УНДИРИШ, СУД МУҲОКАМАСИ ДАВРИДА ВАКИЛ СИФАТИДА ҚАТНАШИШ, ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШДАН ИБОРАТ. МУРОЖААТЛАРНИНГ 179 ТАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛГАН, 160 ТАСИГА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛГАН, 61 ТАСИ РАД ҚИЛИНГАН. 18 ТАСИ ТЕГИШЛИГИГА КЎРА, БОШҚА ОРГАНЛАРГА ЮБОРИЛГАН, 8 ТАСИ ЭСА ҲОЗИР ИШ ЮРИТУВИДА. МУРОЖААТЛАР ЮЗАСИДАН 15 ТА КЎРСАТМА, 6 ТА ТАҚДИМНОМА ВА 26 ТА ДАЪВО-АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ.**

Ўтган йил мобайнида вилоят Транспорт бошқармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ва унинг шаҳар, туман бўлинмалари, «Шарғун кўмир» АЖ, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги муассасаларда гендерга оид аудит ўтказилди. Таҳлил натижаларига кўра, «Шарғун кўмир» АЖда ишлаётган 606 нафар ходимга ололмай юрган 4,7 млрд. сўм ойлик маошлари ундириб берилди.

Президентимиз томонидан юртимизда «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб эълон қилинган 2025 йилда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида 648,8 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш, 125 минг нафар кишини камбағалликдан чиқариш, ижтимоий ҳимояга муҳтож 70 минг нафар хотин-қизнинг муаммоларини «Аёллар дафтари» орқали ҳал қилиб, рози қилиш вазифалари қўйилган. Албатта, бунда касаба уюшмалари вакиллари юртимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этади.



**Қобил БОБОЛОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари*

---

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши мажлислар залида жорий йилги ҳисобот-сайловларни ўтказиш, «Аёллар дафтари» ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкил топганининг 120 йиллигини нишонлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Федерация тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, касаба уюшма фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

## Халқ ичига кириб бораётган тизим

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов сўзга чиқиб, февраль, март, апрель ойларида бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловларни ўтказиш, шунингдек, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раис ва раис ўринбосарлари ҳамда барча республика тармоқ касаба уюшмалари сайловларини ўтказиш борасида таклиф-тавсияларини берди. Ўтган даврда олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботларни тайёрлаш, шунингдек, Федерация музейи, аъзоликка қабул қилиш ва уюшманинг 120 йиллигини нишонлаш юзасидан атрофлича сўз юритди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги етти йил ичида касаба уюшмалари нуфузи ортиб бормоқда. Тизим ходимлари асосий фаолиятидан ташқари «Аёллар дафтари», жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий ҳимоя ва уй-жой билан таъминлаш, томорқачилик сингари бир қанча масалаларда Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларни халққа етказиш, жамоатчилик назоратини ўтказиш орқали халқ ичига чуқуррок кириб бормоқда.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
*«ISHONCH»*

---

## Яна бир бор ишонч билдирилди

**Асака туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлик техникумида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси ижроси хусусида сўз борди.**

Бугунги кунда техникумда 86 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Амалдаги жамоа шартномасига уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини оширишни назарда тутувчи бандлар, иш ва дам олиш вақти бўйича қўшимча имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш чоралари киритилган. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун ҳар бир ходимга ўртача сарфланган маблағ миқдори 10 миллион 123 минг сўмни ташкил этаётир. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича эса ҳар бир ходимга ўртача 1 миллион 650 минг сўмдан маблағ тўғри келмоқда.

Касаба уюшмалари фаолиятига дохил ушбу муҳим тадбирда иштирок этган 62 нафар ходим техникум директори Дилфуза Қамбарова ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Рафиқжон Абдураҳимовнинг ҳисоботларини тинглади ва жамоа шартномасига оид вазифалар ижросини қониқарли деб баҳолади.

Тадбирда амалдаги касаба уюшма қўмитаси раисига яна бир бор ишонч билдирилиб, у навбатдаги муддатга раис этиб сайланди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси Анваржон Арзиев ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар кўлами, соҳа фаоллари олдида турган муҳим вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**
*«ISHONCH»*

---

## ФАОЛИЯТ ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ

**Жиззах шаҳридаги 22-мактаб касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида жамоа шартномасининг ижро этилиши хусусида атрофлича сўз борди. Унда мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Пардаева мактаб касаба уюшма ташкилотининг сўнгги беш йилликдаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди.**

Таъкидланганидек, бугунги кунда мактабда 163 нафар ходим меҳнат қилади. 2020-2025 йиллар давомида педагог ходимларнинг ўқув йилларидаги натижалари ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, директор жамғармасидан 20 нафар ходимга моддий ёрдам пуллари берилди.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича сезиларли ишлар олиб борилди. Мактабда меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва комиссия фаолият кўрсатмоқда. Таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилган 4 нафар педагогга соғлиғини тиклаши учун сиҳатгоҳларга бепул йўлланма ажратилди. 2020 йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 1 200 000 сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4 391 200 сўмга етди.

Йиғилишда касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди. Шунга кўра, мактаб касаба уюшма қўмитаси раислигига очиқ овоз бериш йўли билан Ф.Пардаева қайта сайланди.

Тадбирда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар бўйича маслаҳатчиси Ж.Яратов бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини тегишли Низом талабларига мувофиқ ўтказиш тўғрисида сўз юритди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
*«ISHONCH»*

---



## Сунъий интеллект рақобатми

**Шу йилнинг 10-11 февраль кунлари Париж Лондон (2023) ва Сингапур (2024)дан сўнг сунъий интеллект бўйича учинчи «AI Action Summit» саммитини ўтказди. Анжуманда 100дан ортиқ мамлакатдан келган мингга яқин дунё етакчилари, технологик гигантлар ва таниқли олимлар йиғилиб, сунъий интеллект (СИ)ни ахлоқ ва халқаро нуқтаи назардан тартибга соладиган муқобил ривожланиш йўлини муҳокама қилдилар.**

Кўпгина ривожланаётган давлатлар учун ақл бовар қилмас масалалар кўриб чиқилган ушбу тадбир тобора тараққий этаётган сунъий интеллектнинг келгуси қиёфасини белгилаб бериши билан катта аҳамиятга эга.

Хўш, саммит қанчалик самарали бўлди? Унинг келгуси геосиёсий ва иқтисодий натижалари нималарда кўзга ташланади? Европа миллиардлаб инвестицияларни жалб қилиб, СИ технологиялари пойгасида АҚШни ортда қолдира оладими?

Авваламбор, саммит бошланишидан олдин Париж форуми АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти эълон қилган «Stargate» лойиҳасига қарши туриши аниқ бўлиб улгурганини алоҳида таъкидлаш керак. Зеро, 500 миллиард долларлик ушбу улкан лойиҳа АҚШнинг сунъий интеллект соҳасидаги глобал етакчилигини сақлаб қолишга қаратилган.

Бунга жавобан Францияда бўлиб ўтган тадбирда соҳани тартибга солиш, СИда фуқаролар ҳуқуқларини ҳи-



# ИШ ҲАҚИ ҚИСМАН САҚЛАНАДИГАН ТАЪТИЛ

## унинг тартиблари қандай?

### ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш масаласи қандай ҳуқуқий ҳужжатларда акс этиши кераклиги Меҳнат кодексининг 240-моддаси, 1-қисмида келтириб ўтилган. Унга кўра, жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса, меҳнат шартномасида ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилиши ва бундай таътилнинг календарь йилдаги энг кўп давомийлиги белгиланиши мумкин.

ЮҚОРИДА САНАБ ЎТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШ БЕРУВЧИ ХОДИМНИНГ ИЛТИМОСИГА КЎРА, УНГА ИШ ҲАҚИ ҚИСМАНСАҚЛАНАДИГАН ТАЪТИЛ БЕРИШИ ШАРТ БЎЛГАН ҲОЛЛАР ҲАМ НАЗАРДА ТУТИЛИШИ МУМКИН.

### ДАВОМИЙЛИГИ ҚАНЧА?

Ушбу саволга жавобни Меҳнат кодексининг 240-моддаси, 2-қисмидан топишимиз мумкин. Унга кўра, ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига асосан ҳал этилиши белгилаб қўйилган. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига ёзма ариза бериш орқали билдирилади.

### ИЧКИ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА НАЗАРДА ТУТИЛМАГАН БЎЛСА...

Агар бундай таътил жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ёки меҳнат шартномасида назарда тутилмаган бўлса, иш берувчи ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган ҳужжатлар (буйруқлар, фармойишлар, қарорлар)да ҳам бундай таътил назарда тутилиши мумкин. Чунки иш берувчи ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган бундай ҳужжатлар меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар жумласига киради.

### МАЖБУРАН ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИНМИ?

Йўқ, мумкин эмас. Меҳнат кодексининг 240-моддаси, 2-қисмига кўра, ходим ўзига бундай таътил берилишига розилигини иш берувчи номига ёзилган ариза орқали билдириши керак.

Иш берувчи ходимни иш ҳақи қисман сақланадиган таътилга мажбуран чиқарса, бу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига мувофиқ, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўз навбатида, ходим ҳам иш берувчи билан келишмасдан иш ҳақи қисман сақланадиган таътилга чиқа олмайди, иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ходим иш берувчининг розилигисиз, ўзбошимчалик билан иш ҳақи қисман сақланадиган таътилга чиқиб кетиши меҳнат мажбуриятларини бузиш деб баҳоланади ва иш берувчи унга нисбатан Меҳнат кодексининг 312-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан бирини қўллаши мумкин.

### ИСТАЛГАН ВАҚТДА ЧИҚИШИ МУМКИНМИ?

Ходим иш берувчи билан келишиб, исталган вақтда, ҳаттоки бугун ишга кириб, эртадан иш ҳақи қисман сақланадиган таътилга чиқиши мумкин.

### ВМҚ ДАВРИДА МУДДАТ МАСАЛАСИ

Меҳнат кодексининг 229-моддаси ҳар йилги меҳнат таътилини узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчиришни тартибга солади. 216-моддага кўра эса, ҳар йилги меҳнат таътилининг турлари қуйидагилардан иборат:

асосий меҳнат таътили (ҳар йилги асосий энг кам ёки ҳар йилги асосий узайтирилган);

ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда асосий энг кам ёки асосий узайтирилган таътил билан жамлаб ҳисобланадиган қўшимча меҳнат таътили.

ДЕМАК, ИШ ҲАҚИ ҚИСМАН САҚЛАНАДИГАН ТАЪТИЛ ҲАР ЙИЛГИ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ТУРЛАРИГА КИРМАЙДИ, ЎЗ-ЎЗИДАН МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 229-МОДДАСИ ТАЛАБЛАРИ УНГА ТАТБИҚ ҚИЛИНМАЙДИ, ЯЪНИ ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК ДАВРИДА ИШ ҲАҚИ ҚИСМАН САҚЛАНАДИГАН ТАЪТИЛ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛМАЙДИ ЁКИ БОШҚА МУДДАТГА КЎЧИРИЛМАЙДИ.

### ХОДИМНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Таътилдан чақириб олиш қоидалари, яъни Меҳнат кодексининг 230-, 231-, 232-моддалари талаблари ижтимоий таътилларга ҳамда иш ҳақи қисман сақланадиган ва иш ҳақи сақланмайдиган таътилларга нисбатан қўлланилмайди.

### ИШ ҲАҚИНИНГ ҚАНЧАСИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ?

Меҳнат кодексининг 240-моддаси, 4-қисмига биноан, ходимнинг қисман сақланадиган иш ҳақининг миқдори тўғрисидаги масала жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса, меҳнат шартномасида белгиланади. Бунда ходимнинг сақланиб қоладиган иш ҳақи миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ходим иш ҳақи қисман сақланадиган таътилда бўлган даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган бўлса, ушбу оширилишни ҳисобга олган ҳолда, ходимга тегишли иш ҳақи миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак.



**Гўзалья РЗАЕВА,** *Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси қошидаги Мурожаатлар билан ишлаш шуъбаси мудираси*



# ЭРДОНОВА АДОЛАТ ИЗЛАМОҚДА

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашига Бухоро шаҳрида яшовчи Нигора Эрдоновадан 2024 йилнинг 23 апрель санасида шундай арз тушди:**

*«Ушбуни ёзиб маълум қиламанки, Бухоро вилояти ихтисослаштирилган стоматология марказида хирург-стоматолог лавозимида ишлаб келяпман. Аммо марказ раҳбари мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. Судга даъво аризаси киритилиб, суд иш берувчининг бу хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топди ва буйруқ бекор қилинди. Касаба уюшмалари ёрдамида қайта ишга тикландим. Шунга қарамай, муассаса раҳбари мен билан меҳнат шартномасини қайта бекор қилди...».*

Эрдонованинг ҳақ экани судда исботланиб, ишга тикланиши бўйича қарор чиқарилганига қарамай, у ҳануз ишида эмас. Аризачи ўз мурожаатида ана шулар ҳақида ва ишига тикланиши учун амалий ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилган.

Нигора Эрдонованинг мазкур мурожаати юзасидан касаба уюшмалари аралашуви билан ҳолат ўрганиб чиқилди. Вазиятнинг нохолислиги ишни қайта судга ошириш заруратини туғдирди.

### АСЛИДА..

Мурожаатчи қарийб ўттиз йилдан бери мазкур ташкилотда фаолият юритган. 1996 йилдан 2023 йилнинг 29 августига қадар шифо масканида ўз севимли касби билан шуғулланган. Беморларга шифо улашган. 2022 йилнинг 5 январидан бошлаб болалар стоматология поликлиникасида болалар хирург-стоматологи ва ўриндошлик асосида врач-стоматолог лавозимида ишлаган.

Аммо бўлим мудирининг 2023 йил 15 августдаги билдиришномасига кўра, Эрдонова бир кун аввал касаллик варақасини тўхтатиб, ишга чиқиши лозим бўлган эса-да, номаълум сабабга кўра ишда бўлмагани боис интизомий жазо чораси қўлланилиб, меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бунга ходимнинг меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузгани, ишга узрли сабабсиз келмагани важ қилиб кўрсатилган.

Суд ходимнинг ишда бўлмагани сабабларини ўрганиб, шуни аниқладики, бу вақтда Н.Эрдонова иш берувчи номига ариза ёзиб, меҳнат таътили берилишини сўраган. Аммо иш берувчи турли баҳоналар билан унга меҳнат таътили беришдан бош тортган.

Аниқланган маълумотлар иш берувчининг буйруғи суд томонидан ғайриқонуний деб топилишига сабаб бўлди. Чунки ходимнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган. Шуларни инобатга олган ҳолда, суд даъвогарнинг талабларини қаноатлантириш, уни ишга қайта тиклаш ва ҳоказолар юзасидан Н.Эрдонова фойдасига қарор чиқарди. У ишига қайта тикланиши лозим.

### НОСОҒЛОМ МУҲИТ САБАБ...

Бухоро вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг хусусий ажрими хулосаларига кўра, мазкур фуқаролик ишини кўриш жараёнида маълум бўлдики, марказнинг мансабдор шахслари томонидан қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани сабаб Бухоро вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология марказида носоғлом муҳит юзага келган.

Шу боис судлов ҳайъати марказга нисбатан хусусий ажрим чиқариш ва уни Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборишни лозим топди...

### ҚАЙТА СУД...

Хуллас, суднинг юқоридаги хулосалари билан Н.Эрдонова ишга тикланиши белгиланиб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар қоплаб берилиши бўйича суд қарори чиқарилди. Бироқ Н.Эрдонованинг меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан ғайриқонуний тарзда яна бир марта бекор қилинди. Бу сафар вакант иш ўрни йўқлиги ва ходимнинг сурункали касаллиги борлиги сабаб қилиб кўрсатилди.

Суд мазкур ҳолатни ходимнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари камситилиши, деб баҳолади. Нигора Эрдоновани муассасадаги ўз иш ўрнига қайта тиклаш бўйича қарор чиқарилди.

Мазкур ҳужжат 2024 йил 13 декабрь санасидан қонуний кучга кирганига қарамай, даъвогар ҳозирга қадар ишга тикланмаган. У ҳамон аёл боши билан судма-суд, идорама-идора юриб, адолат истамоқда. Меҳнат шартномасининг турли баҳоналар билан қайта-қайта бекор қилинаётгани уни ҳолдан тойдирди, чарчатди…

Энг афсусланарлиси, бир меҳнаткаш ходимнинг 23 йиллик фаолияти аллақандай тушунарсиз сабаблар билан йўққа чиқмоқда. Негадир бу борада юқори турувчи ташкилотларга судлов ҳайъатининг хусусий ажрими жўнатилаётганига қарамай, марказ директорига нисбатан бирор чора қўлланилмаяпти. Бир ёлғиз ва ногирон аёл ғайриқонуний ҳаракат қурбонига айланиб қолмоқда.



**Ҳамро ЧОРИЕВ,** *Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори*

# бўйича Париж саммити ё ҳамкорлик?

моя қилиш ва халқаро ҳамкорлик каби муқобил йўл таклиф қилинди. Бироқ саммитда умумий ёндашув бўйича келишувга эришишнинг иложи бўлмади. Ҳужжатдаги тартибга солиш чоралари ортиқча эканини таъкидлаган АҚШ ва Буюк Британия халқаро СИ декларациясини имзолашдан бош тортди. Алҳол, АҚШ вице-президенти Жей Ди Вэнс Европани СИ технологияларини хавотир билан эмас, оптимизм билан қабул қилишга чақирди.

Ушбу вазият дунёдаги икки стратегик ёндашувни яққол намоён этиши билан аҳамиятли. Яъни, АҚШ инновацияларнинг эркин ривожланиши тарафдори, Европа эса тартибга солиш орқали соҳада назорат ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.

Сиёсий қарама-қаршиликларга қарамай, Париж саммити технологик ва инвестицион ташаббуслар учун муҳим майдонга айланди. Франция президенти Эммануэль Макрон Европада СИни ривожлантириш учун 109 миллиард евро ажратилишини эълон қилди (йирик сармоядорлар орасида БАА (50 млрд.), Канаданинг «Brookfield» фонди (20 млрд.), «Bpifrance» давлат банки (10 млрд.), «Iliad» телеком компанияси (3 млрд.) бор). Асосий маблағ дата-марказлар қурилишига йўналтирилади, чунки СИ ривожланиши учун катта ҳисоблаш қуввати талаб этилади. Ядровий энергия захираларининг кўплиги Францияни дата-марказлар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айлантиради.

Бундан ташқари, Франциянинг «Mistral AI» ва Германиянинг «Helsing» компаниялари ҳарбий СИ технологияларини ривожлантириш учун ҳамкорликни бошлади. Бу Европа учун СИ соҳасида АҚШ ва Хитой билан жиддий рақобатга киришиш имконини беради. Шу боис СИ технологияларининг ҳарбий соҳада қўлланилиши ҳам саммитнинг муҳим мавзуларидан бирига айланди. Макрон Европани Украинадаги можаро тажрибасидан келиб чиқиб, ҳарбий технологияларни СИ асосида ривожлантиришга чақирди. Муаммо шундаки, самарали алгоритмлар учун улкан маълумотлар базаси керак. Бироқ кўплаб ҳарбий компаниялар махфий маълумотлар билан бўлишишга тайёр эмас.

Шунга қарамай, НАТО СИ технологияларини ҳарбий стратегиянинг ажралмас қисми сифатида кўради. НАТО иттифоқ кучлари қўмондони Пьер Вандьенинг сўзларига кўра, Украинадаги ҳарбий можаро сунъий интеллектнинг замонавий урушлардаги аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Саммитда сиёсат ва технологиялардан ташқари, СИнинг маданиятга таъсири масалалари ҳам кўтарилди. СИ келажакда ижодкорларни ишсиз қолдирадими ёки уларнинг яқин ҳамкорига айланадими, деган саволлар атрофида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

СИ моделлари улкан ҳисоблаш қувватини талаб қилади, бу эса энергия сарфининг жуда тез ўсишига олиб келади. Экспертларнинг тахминига кўра, келгуси йилларда СИ бир қатор давлатлар даражасидаги энергияни сарфлаши мумкин. Бинобарин, СИ нафақат ривожланиш воситасига, балки экологиянинг жиддий муаммосига ҳам айланади.

Хуллас, Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган «Сунъий интеллект соҳасида ҳаракатлар саммити»нинг диққат марказида нафақат инновациялар, балки замонавий технологияларни хаос манбаи ёки тўлиқ назорат қуролига айлантирмасдан туриб, қандай ривожлантириш керак деган жиддий масалалар ҳам муҳокама этилди. АҚШда СИни эркин бозор механизмлари орқали ривожлантириш, унга ҳеч қандай чекловлар қўймаслик керак деган фикр ҳукмрон бўлса, Хитой моделида сунъий интеллектни тўлиқ назорат қилиш ва давлат бошқаруви орқали ривожлантириш кўзда тутилади. Франция бу икки ёндашув ўрнига ахлоқий ва ҳуқуқий доиралар шакллантиришни таклиф қилмоқда. Улар СИни жамият хавфсизлиги учун ривожлантириш, унинг салбий оқибатларидан ҳимоялашдир. Зеро, СИ инсонларга хизмат қилиши керак, у қудратли кучларнинг кимўзар пойгасига айланиб қолмаслиги лозим.

Франция таклиф қилаётган модель қанчалик самара бериши ҳозирча номаълум, аммо бу сунъий интеллект соҳасида янги геосиёсий кураш бошланганидан дарак беради.

**Оламгир ОТАЁР**

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши ёмонлиғ кўрмагай ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

2025-YIL 13-FEVRAL
PAYSHANBA
№ 20 (5084)

# Шарқ тарихидаги мафтункор шахс

**Бобуршоҳ Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган. У жасур ва тадбиркор ҳамда шижоатли саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи лашкарбоши эди.**

**Уильям ЭРСКИН,**
**инглиз олими**

Амир Темур 27 та давлатни бир туғ остида бирлаштириб, салтанатини адолат тамойиллари асосида бошқарган ҳукмдордир. Аммо унинг авлодларига бу улкан империяни сақлаб қолиш насиб этмади: шаҳзодаларнинг ўзаро тахт талашувлари сабаб улкан давлат парчаланиб кетди.

Темурийлар орасида буюк аждодига муносиб бўлишга интилганлар кўп эди. Аммо бунга уларнинг айримларигина эриша олди, холос. Бинобарин, темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда ўз мамлакатига асос солди ва унинг сулоласи бу заминда 332 йил ҳукмронлик қилди.

Бобур Мирзонинг ёшлиги мураккаб кечди. Хусусан, ташқи хуружлар кучайган бир пайтда отаси Умаршайх Мирзо вафот этди. 12 ёшида Фарғона тахтининг оғир юкини елкасига олишга мажбур бўлди. Вазият ҳали суяги қотмаган Заҳириддин Муҳаммад Бобурни сиёсат ва ҳарб илмини пухта эгаллашга ундади, бу эса ундаги етакчилик қобилиятини мустаҳкамлади.

Маълумки, Бобур буюк бобоси салтанатини тиклаш орзуси билан яшаган. Шу боис у Амир Темур давлати пойтахти Самарқандни забт этади. Лекин тақдирига ўз юртида ҳукмронлик қилиш ёзилмаган экан. Туркнинг яна бир забардаст фарзанди Шайбонийхон Бобур эгалик қилаётган диёрни ишғол этди.

Оқибатда Бобур 1504 йили 250 чоғли навкар билан Самарқандни тарк этади ва жангу жадаллар ила 1508 йили Кобулда ўз давлатини қуришга муваффақ бўлади. Бунга у бекликлар ўртасидаги тарқоқлик ва келишмовчиликлардан фойдаланган ҳолда эришади. Аммо Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ватанга қайтиш ниятидан воз кечмаган эди. Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг ҳарбий кўмагига таяниб, Самарқандга юриш қилади ва қадим кентни бир муддат эгаллашга муваффақ бўлади.

Бироқ бу узоққа чўзилмайди. Шайбонийлар – Убайдулла Султон, Муҳаммад Темур Султон ҳамда Жонибек Султон қўшинлари босими остида яна Кобулга чекинади. Энди у юртга қайтиш умидини буткул узганди. Бобур Мирзода Ҳинд ерларини забт этиш фикри айнан ўша кезлар уйғонган бўлса, ажаб эмас.

Бобур бобоси Темурнинг жанг услублари ҳамда лашкарни бошқаришга оид тартибларини ўз қўшинида жорий қилган. Хусусан, аскарларини ўн ва эллик кишилик бўлинмаларга ажратиб, уларга бошлиқлар тайинлаган. Шунингдек, энг кучли ва тажрибали жангчилардан иборат хос бўлинмалар тузиб, муҳим вазифаларни топширган, ҳал қилувчи дамларда уларни ишга солган.



Ёшлар ва етарли кўникмага эга бўлмаганлар ҳукмдор қароргоҳини қўриқлашга жалб қилиниб, захира куч вазифасини бажарган. Жангда қўшин ўнг ва сўл қанотларга, шунингдек, хабарчилар гуруҳларига ажратилган. Кўрсатган қаҳрамонлиги ёки ҳарбий тадбирларни белгилашига кўра навкар ва беклар унвон, лавозим ҳамда рағбатга лойиқ кўрилган.

Бобур Мирзонинг ҳарб илмини пухта эгаллагани Ҳиндни босиб олиш жараёнида яққол намоён бўлди. Бу ўлкани забт этиш мақсадида жосуслар жўнатиб, ёвнинг ҳарбий кудратини ўрганди. Чунончи, айғоқчилар йўллаб, «тил» ушлаб келиб душман қўшини, ҳаракат йўналишлари, қўмондонлари, пиёдалар ва отлиқлар имкониятлари, интизоми, жанг услублари, захира ва таъминоти ҳақида тўлиқ маълумот тўплади. Таҳлиллар асосида стратегия ва ҳужум режаларини ишлаб чиқди.

Саркарда Ҳиндистон юришини 1510 йилда бошлайди. Дастлаб кутган натижаларига эриша олмайди, лекин қатъийлик билан черикни олдинга ундашда давом этади. Ниҳоят, 1526 йилда Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг 100 минг кишилик қўшинини 12 минг аскари билан енгади.

Ушбу ғалаба ҳарбий тактикаларни моҳирона қўллаш самараси эди. Чунончи, Бобур Мирзо Панипат майдонида арқон ҳамда занжир билан ўзаро боғланган 700 чоғли аравадан иборат мудофаа тўсиқларини юзага келтирди. Очиқ қолган жойларни хандақ ҳамда дов-дарахт шохлари билан ёпишни буюрди. Ана шу ҳимоя чизиғининг ортига тўплар жойлаштирилиб, кейинги қатордан милтиқли аскарлар жой олди.

Тўп ва милтиқларга эга бўлмаган ғаним замонавий қуроллар қаршисида саросимага тушган. Минглаб ҳинд жангчилари на олдинга интилишнинг, на чекинишнинг иложини қила олган. Бу жиҳат тўп ва милтиқлардан отилган ҳар бир ўқнинг самарасиз кетмаслигини таъминлайди, жасадлардан тепаликлар ҳосил бўлади. Камига, ғаним ихтиёридаги жанговар филлар ярлангач, қоча бошлайди.

Бобур жанг давомида тўлғама усулини қўллайди, яъни бир неча бўлинмалар душманни айланиб ўтиб, орқадан ҳужум қилади. Йирик йўқотишларга қарамасдан, ҳинд саркардаси ҳужумни давом эттираверади. Пировардида, Иброҳим Лўдийнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Бу Бобур эришган улуғ ғалаба эди. Энди унинг Ҳиндистонни эгаллаб олишига ҳеч кимда шубҳа қолмаганди.

Дарҳақиқат, Бобур Мирзо ўзи барпо этган салтанатни жадал кенгайтира бошлайди. Унинг қаршисидаги навбатдаги тўсиқ ражпутларни оқиллик билан бирлаштира олган ва кучли қўшинни бошқараётган Рана Санга эди. Мовароуннаҳрдан келган ҳукмдор уни ҳам енгишнинг уддасидан чиқади. Чунончи, 1528 йилда улуғ саркарда ҳарбий маҳоратига таяниб, ражпутларнинг 200 минглик қўшинини янчиб ташлайди.

Умри жангу жадалларда кечган Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат салоҳиятли қўмондон, балки жисмонан бақувват шахс эди. 1528 йил Ганг дарёси бўйида олиб борган ҳарбий ҳаракатларини «Бобурнома»да қаламга олар экан, *«Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб ўттим. Бир қўлни санадим, ўттиз уч қўл била ўттим. Бори дарёларни ўзиб, кечиб эдим. Ганг дарёси қолиб эди»,* дея битади.

Ўзанининг кенглиги 400 метрдан 2 километргача етадиган Ганг дарёсидан сузиб ўтмоқ учун яхшигина жасорат ҳамда қувват зарур эди. Қолаверса, Бобур Мирзо Мовароуннаҳр, Кобул ва Ҳиндистондаги барча дарёлардан сузиб ўтганини таъкидламоқда.

Худди шундай, ҳинд тарихчиси Л.П.Шарма *«Бобурнинг инсон сифатидаги хислатлари, ҳақиқатан ҳам, мақтовга сазовордир. У жисмонан бақувват киши бўлиб, қалъа девори устида икки кишини қўлтиқлаб, тўсиқлардан бемалол ўта олар эди. Ҳиндистонда дуч келган ҳар қандай дарёдан қийналмай сузиб ўтар, 80 милча масофани дам олмай бир кунда отда босиб ўтар эди... унинг вужуди умрининг охиригача бешикаст юрди. Иброҳим Лўдийнинг онаси берган заҳар ҳам унинг бақувват жисмига катта зарар етказа олмади»,* дея ёзади.

Аллоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурни нафақат куч, балки бемисл заковат ва бошқарувчилик қобилияти билан ҳам сийлаган. Жумладан, у Панипат жанги арафасида ўзларидан ўн баробар кўп аскарга эга қўшин қаршисида турган навкарларидаги тушкунликни сезади ва черикка мурожаат қилади: *«Беклар ва йигитлар! Ҳар кимса бу жаҳонга келаркан, охирда йўқликка кетади, абадий қолгувчи ёлғиз Худодир. Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидан ичгусидир ва ҳар кишиким тириклик манзилиға келибтур, охир дунё ғамхонасидан кечгусидир, ёмон от билан тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ... Ўлган – шаҳид, ўлтургон – ғози».*

Табиийки, бу сўзлар сафар қийинчиликларини аскарлари билан бирдек тотган, қонли қирғинларда олдинги сафда тура олган, энг оғир вазиятларда инсонийлик ва қўмондонлик салоҳиятини заррача йўқотмаган етакчи томонидан айтилгани учун чексиз таъсир қудратига эга бўлган. Бинобарин, мазкур нутқдан сўнг қўшиннинг ҳар бир аъзоси Қуръонни қўлига олиб, охиригача жанг қилишга қасамёд қилади...

Мирзо қолдирган насрий ва назмий мерос унинг мисли кўрилмаган тафаккур соҳиби бўлганидан дарак беради. Хусусан, биргина «Бобурнома» шунча асрлар ўтса ҳамки, тарих, жуғрофия, тилшунослик, адабиёт, геология, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган олимлар учун қимматбаҳо манба вазифасини ўтамоқда.

Бинобарин, инглиз шарқшуноси Лейн Пул *«Бобур Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс эди... Унинг жангларидан ҳам маиший ҳаётдаги каби шоирлик нафаси уфуриб турарди»,* деб ёзган бўлса, Жавоҳарлаъл Неру *«Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир... Унинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича тараққиёт юз берди»,* дея эътироф этади.

**Қисқаси, Мирзо Бобур жумлаи жаҳонга халқимизнинг юксак илмий салоҳият ҳамда ҳарбий қудратга эга эканини намоён эта олган улуғ аждодларимиздан биридир. Шу маънода ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йилнинг 25 январида «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Зеро, бу ҳужжат улуғ аждодимиз қолдирган илмий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларнинг янги тўлқинини бошлаб берди. Хусусан, ички ишлар органлари ходимлари тайёрланадиган таълим муассасалари ўқув дастуридан Мирзо Бобур ҳаёти, ҳарбий юришлари, давлат бошқарувига оид тутумлари, қолаверса, ижодига оид мавзулар кенг ўрин олган. Соҳа вакиллари иштирокида ҳафтада бир марта ташкил этиладиган маънавият ва маърифат дарсларида, маърифий ва маданий тадбирларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, унинг ватанпарварлиги, тафаккури ва жасорати ҳар бир ички ишлар органлари ходимига ибрат бўлгуликдир!**



**Ғайрат ҚОДИРОВ,**
*Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор*

# ХОРИЖЛИК МЕҲМОН:

# «Юртингизга ҳавасим келди»

Даштободдан таксига ўтирган йўловчи «Лайлак уя» қишлоғидан ўтгач, тоқатсизлана бошлади. Шаҳарчага етиб келганда эса «Адашмадикми, Зоминга келяпмизми?» дея ҳайдовчига юзланди.

– Ҳа, Зоминга етиб келдик, амаки. Меҳмонмисиз дейман?!

– Асли зоминликман. Бундан 22 йил олдин Уфа шаҳрига кўчиб кетганман, қариндошларни кўргани келяпман.

– Йигирма йилда Зоминда катта ўзгаришлар бўлди, олдин келган одам уни танимай қолиши аниқ. Мана бу «Наврўз» тантаналар мажмуаси, ёнидагиси автобекат, униси янги бозор. Ўнг тарафда эса кўпқаватли уйлар. Ёнида туризм коллежи. Сиз буларни олдин кўрмагансиз, албатта.

Машина Молия бўлими биноси олдидан ўнг тарафга бурилаётганда меҳмон яна таажжубланди:

– Йўл тўғрига ўтар эди, шекилли...

– Ҳа, у йўлнинг жойи ҳозир фавворалар, дам олиш масканлари мавжуд хиёбонга айланган. Катта бино – Ёшлар маркази, – жўшиб тушунтира бошлади ҳайдовчи. Бироздан кейин эса «Бу – Технопарк», дея ўнг тарафга ишора қилди.

– Бозор кўринмайди-ку?!

– Эски уйлар ўрнида янги кўпқаватли бинолар, уларнинг ортида эса янги бозор қурилган. «Корзинка» биноси ҳам яқинда бунёд этилди. Сизни «Бирлашган» қишлоғига олиб боришим керак-а? Сиз кўриб турган Агробанк, Халқ банки, Адлия бўлими бинолари ҳам яқинда бунёд этилган.

Ҳайдовчи меҳмонни манзилга етказиб хайрлашар экан: «Зомин бўйлаб саёҳатни эртага давом эттирасиз» деб ҳазиллашиб қўйди.

Дарҳақиқат, бу ерларда 15-20 йилдан буён бўлмаган киши бугунги Зоминни танимай қолиши тайин. Сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туман қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. «Боғишамол»дан ўтувчи асфальт йўл чеккасидаги ташландиқ жойлар қисқа муддатда ободонлаштирилди. Ўз номи билан салқин ва хуш шаббода эсиб турадиган сой бўйида 182 млрд. сўмлик иш бажарилиб, «Зоминсой» меҳмонхонаси ва дам олиш масканлари барпо этилди. Иккинчи халқаро мақом санъати фестивалининг айнан шу масканда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Мусаффо табиат анжуман қатнашчиларига манзур бўлди.

Туманнинг иқтисодий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини оширишда туризм катта аҳамият касб этмоқда. Зомин халқ боғи ҳудудида Президент фармони билан Зомин туристик рекреацион зонаси ташкил этилди.

Сайёҳлар учун кўплаб қулайликлар ва кўнгилочар объектлар барпо этилди. Узунлиги 240 метр бўлган замонавий дор йўли ва кўпқаватли автотураргоҳ шулар жумласидан. Сайёҳларнинг кўнгилли дам олишлари учун соғломлаштириш маркази қурилиб, ишга туширилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 800 млрд. сўмга яқин тижорат банклари кредитлари, ташаббускор тадбиркорлар маблағлари сарфланди. Йил бошида узунлиги 305 метр ва баландлиги 150 метр бўлган осма кўприк, замонавий ресторан ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш биноси ишга туширилди. Ҳудудда 1000 ўринли амфитеатр қурилгани эса аҳолининг кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, концертлар томоша қилишига имкон яратди. Зомин аэропортининг қайтадан реконструкция қилиниши туристлар оқими янада кўпайишига хизмат қилмоқда.



Ҳозир туманда 2 та маданият истироҳат боғи, юздан ортиқ умумий овқатланиш шохобчалари, 10 та экотуризм объекти, 109 та маданий мерос объекти фаолият кўрсатмоқда. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида 11 та меҳмонхона, 120 та оилавий меҳмон уйи, оромгоҳлар ва бошқа кўнгилочар масканлар хизмат кўрсатмоқда.

Зоминда амалга оширилаётган ишлар юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг денгиздан бир томчиси, холос.

Шу ўринда Иккинчи халқаро мақом фестивалининг мутлақ ғолиби – Эрон Ислом Республикасининг «Форс» ансамбли солисти Али Асғар Арабшоҳийнинг тақдирлаш маросимида айтган қуйидаги гаплари ёдга тушди:

«Дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли танлов ва фестивалларда иштирок этганман, саёҳатларда бўлганман. Очиғини айтиш керак, Ўзбекистон менда катта таассурот қолдирди. Унинг табиати бетакрор. Одамлари меҳмондўст ва бағрикенг, серғайрат. Юртингизга ҳавасимиз келди. Имкон бўлса, яна келамиз».



**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
*журналист*

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Гаҳи соғин, не бўлди, зорларни,
Унутмағил аввалги ёрларни.

Ўзбекистон халқ артисти
Шерали Жўраев ижросида
«Аввалги ёр» қўшиғи

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазали

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** – (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati** – (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati** – (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati** – (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati** – (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati** – (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati** – (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati** – (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati** – (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati** – (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati** – (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati** – (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati** – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** J. Nahanov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 20:30
**Topshirildi** – 20:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 427 та**

**Shundan:**
**6 246 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 273 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 908 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 69**

1 2 3 4 5 6